



DILLARDA IYMONGA AYLAN – EY, VATANI

# DO'STLIK HAYOTI

DO'STLIK TUMANI  
HOKIMLIGINING IJTIMOYIY-  
SIYOSIY GAZETASI  
Gazeta 1971-yildan chiqqan boshlagan.

№ 17 (3412) 25-sentabr, 2021-yil, shanba

ISSN -2012-9725

Bahosi erkin narxda

dustlik.hayoti@inbox.uz

dustlikhayoti.uz

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРАВОН ЯШАЙЛИК!



### ИШОНЧЛИ ВАКИЛ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Мамлакатимизда шу йилнинг 24 октябрида ўтадиган Президент сайловида ташвиқот қилиш бошланди.

Бугун Дўстлик туманидаги Маданият саройида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати «Ўзбекистон Либерал Демократик партияси томонидан Президентликка номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ишончли вакили сайловчилар билан учрашув ўтказди.

Унда тарғибот гуруҳи аъзолари, O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши фаоллари, электротар ва кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Тадбирда номзоднинг ишончли вакили Байрамбек Узоқов дастлаб номзоднинг таржимаи ҳолини ўқиб эшиттирди. Шундан кейин йиғилганларга Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастури билан таништирилди.

Мамлакатимизда сўнги беш йилда амалга оширилаётган ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилган туб ислохотларни узвий давом эттиришга қаратилган номзоднинг Сайловолди дастурида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётимизнинг барча жабҳалари қамраб олинган.

Музокараларда сўзга чиққан Омонгул Ҳайитова, Соҳиб Ражабов ва бошқалар ўз соҳалари, оилалари ва шахсий ҳаётлари мисолида охириги йиллардаги ўзгаришлар ҳақида тўлқинланиб гапиришди. Сайловолди дастурида кўрсатилган стратегик вазифалар ижроси мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқишига, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилишига қатъий ишонч билдирдилар ҳамда жорий йилнинг 24 октябрида мамлакатимизда ўтказиладиган муҳим сиёсий жараён - Президент сайловида барча юртдошларини O'zLiDePдан кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёевга овоз беришга беришга чақирдилар.

Туман ҳокимлигининг  
Ахборот хизмати

### Қишлоқ хўжалиги

### ФЕРМЕРЛАР ҒАЛЛАЧИЛИКДА ҲАМ МУҲИМ ПАЛЛА ОСТОНАСИДА ТУРИШИБДИ



Дўстлик туманида пахта терими авж паллага кирмоқда. Шундай бўлсада туман деҳқонлари келгуси йил учун ғалла етиштиришни унутишмаяпти.

Бугун «Саркисов» фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасидаги «Жавлон» фермер хўжалиги даласида ғўза қатор ораларига кузги ғалла экиш ва парваришга бағишланган семинар ташкил этилди.

Унда қишлоқ хўжалиги бўйича вилоят мутасаддилари, туман ҳокими, ғаллачилик бўйича кластер вакиллари ҳамда тумандаги фермер хўжаликлари раислари иштирок этишди. Бугунги кунда туман ғаллакорлари жами 13700 гектар ер майдонида бошоқли дон етиштиришни олдларига мақсад қилишган. Ҳозиргача 5000 гектар ерга сара уруғ қадалди. Режа бўйича эса 13300 гектар ғўза қатор орасига ғалла экилади. Дастлабки экин майдонларидаги майсанинг бўйи 15-20 сантиметрга етди.

Салкам йигирма йилдан буён фермерлик билан шуғулланиб келаман. Хўжалигимиз аъзолари билан 21 август кунини ғўза қатор ораларига кузги буғдой уруғини қадаган эдик. Экилган уруғни ундириб олиш учун суғордик. Бу орқали даламиздаги пахтанинг ҳосиллигига ҳосил қўшиш билан биргаликда майсани бир текис ундириб олдик. Эндиликда ҳар бир агротехник талабларни ўз вақтида бажариб келгуси йил ғалладан 70 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз, – дейди «Жавлон» фермер хўжалиги раҳбари Жамолхон Абдуллаев.

Семинарда айтилганидек, туман деҳқонлари ҳозирги кўёшли кунлардан фойдаланган ҳолда қисқа кунларда бошоқли дон экишни ниҳоясига етказиш, уни суғориш ва кўчат олиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Буни туман ҳокими ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бугун ғаллачилик фермерларимиз масъулиятли палла остонасида туришибди. Ғалла экиш ва уни ундириб олиш учун ҳар кун, ҳар дақиқа фанимат. Фурсат эса кутиб турмайди. Шундай экан, тезроқ ғаллани экиш ва пешма-пеш суғориш зарур. Сусткашлик эса келгуси йил ҳосили учун ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, – дейди туман ҳокими Шавкат Дарвишев.

Семинарда сўз олганлар кузги ғалла кечиктирмасдан эртароқ экиш ва унинг парваришларининг афзалликлари тўғрисида гапириб ўтишди.

Тадбир якунида «Жавлон» фермер хўжалиги даласида ундириб олинган майса намуна сифатида иштирокчиларга кўрсатиб ўтилди.

Дўстлик тумани ҳокимлигининг Ахборот хизмати.

### Тадбиркорлик қўллаб-қувватланмоқда

### ҲОКИМ ҲАР ЖУМА КУНИ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН УЧРАШАДИ

Дўстлик тумани ҳокими Шавкат Дарвишев тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича очиқ мулоқот ўтказди.

Унда тумандаги тадбиркорлар ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ис-тагидаги фуқаролар иштирок этишди.

Очиқ мулоқот давомида туман ҳокими мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар, уларга яратиб берилаётган имтиёз ҳамда периференциялар тўғрисида гапириб ўтди. Шунингдек, туманида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятларга алоҳида тўхталди.

Шу йил бошидан буён тижорат банклари томонидан жами 27,0 миллиард сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилган. Бу кичик рақам эмас, бу жараён яна давом этмоқда. Молиялаштирилиши лозим бўлган яна қанчадан-қанча лойиҳаларимиз навбат кутиб турибди. Эндиликда янги тартиб жорий қиламиз. Тақдим этилаётган ҳар бир лойиҳани атрофлича муҳокама қилиб, шундан кейин молиялаштириш учун тижорат

банкларига юборамиз. Ҳар бир лойиҳани молиялаштириш ва ишга туширишни шахсан ўзим назоратга оламан, – дейди туман ҳокими.

Мулоқот давомида балиқчиликни ривожлантириш бўйича алоҳида тўхталиб ўтилди. Соҳани йўлга қўйиш учун кам харажат талаб этадиган томонлари муҳокама этилди. Бу бўйича ташаббускорлар билан иш олиб бориладиган бўлди.

Энг муҳими ҳокимликда ҳокимнинг биринчи ўринбосари бошчилигида янги лойиҳа ташаббускорлари ҳамда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш шуғулланувчи алоҳида штаб ташкил этилди.

Тадбир давомида тадбиркорларнинг муаммо ва фикрлари тингланди. Уларнинг ечими бўйича алоҳида назорат ўрнатилди.

Шунингдек, ҳафтанинг жума кунини тадбиркорлар билан очиқ мулоқот кунини сифатида белгиланиб, доимий ҳамкорликда иш олиб боришга келишиб олинди.

Бердиёр ҚОРАЕВ



АҚШ Халқаро тараққиёт агентлигининг (USAID) молиявий кўмаги ёрдамида "Аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш" лойиҳаси доирасида Дўстлик тумани аҳолисининг муаммолари ҳал этилмоқда

## АҲОЛИНИНГ ЭҲТИЁЖМАНД ҚАТЛАМИГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ, ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИЛМОҚДА



АҚШ Халқаро тараққиёт агентлигининг (USAID) молиявий кўмаги ёрдамида "Аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш" лойиҳаси доирасида Жиззах вилояти "Istiqloq Avlodi" ИИХҚҚМ томонидан "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва "Темир дафтари"дан рўйхатдан ўтган Дўстлик туманида истиқомат қилаётган аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги оширилиб, уларни қийнаб келаётган муаммолари ҳамкор ташкилотлар ўртасида ҳал этиб келинмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида, Дўстлик тумани "Боғзор", "Наврўз", "А.Навоий", "Мевазор", "Ф.Фулом", "Манас" "Саноатчилар" ва бошқа маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолисининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида жами 23 маротаба учрашувлар, давра суҳбатлар ва семинарлар ўтказилди.

Ўтказилган тадбирлар давомида жами 826 нафар фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги оширилиб, шундан, 360 нафари эркаклар, 466 нафари эса аёллар ташкил этади.

Бундан ташқари, аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида, жами 518 нафар фуқароларга уларни қийнаб келаётган масалалар юзасидан ҳуқуқий ёрдамлар берилди.

Кўрсатилган ҳуқуқий ёрдамлар таҳлил қилинганда: алимент бўйича - 5 та, ажрашиш бўйича - 2 та, оиладаги келишмовчиликлар бўйича - 1 та, суд масалалари бўйича - 2 та, қарзни ундириш бўйича - 9 та, меҳнат қонунчилиги бузилиши бўйича - 19 та, моддий зарарни қоплаш бўйича - 4 та, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳаракатсизлиги бўйича - 1 та, жиноят қонунчилиги бўйича - 1 та, субсидия,

кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш бўйича - 155 та, имтиёзли уй-жой олиш бўйича - 28 та, уй-жой муаммолари бўйича - 9 та, шахсий ҳужжатни тиклаш бўйича - 19 та, пенсия тайинлаш бўйича - 17 та, солиқ қонунчилиги оид - 12 та, фуқаролик ҳуқуқи оид - 64 та, тадбиркорликка оид - 48 та масалалар юзасидан фуқароларга ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилди.

Шунингдек, фуқаролар томонидан ёзма шаклда 122 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан, 53 та мурожаатлар ҳамкор ташкилотлар ўртасида ижобий ҳал этилди, марказ аралашуви билан ҳал этилган мувофакиятли кейслар сони 14 тани ташкил этади.

Мисол учун, Г.Сотволдиева, М.Уринбоев, И.Жумаев ва Б.Мухаммадиевларнинг фарзандларининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома-сидаги мавжуд хатоликларни бартараф этиш юзасидан ёзган мурожаатлари Жиззах вилояти "Istiqloq Avlodi" ИИХҚҚМ ва Давлат хизматлари агентлиги Жиззах вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда кўриб чиқилиб, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадаги мавжуд хатоликлар бартараф этиб берилди. Натижада мурожаатчиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ёрдамга бўлган эҳтиёжлари қаноатлантирилди.

Келгусида Жиззах вилояти "Istiqloq Avlodi" ИИХҚҚМ "Аҳолининг эҳтиёжманд қатламига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш" лойиҳаси доирасида янада фалоллигини ошириб, Аёллар дафтари, "Ёшлар дафтари" ва "Темир дафтари"дан рўйхатдан ўтган фуқароларга кўмаклашишда ва уларга ҳуқуқий ёрдам беришда ўзининг кенг қўламли ишларини давом эттириб боради.

**И.ХУСАНОВА,**  
вилоят "Istiqloq avlodi"  
ИИХҚҚМ лойиҳа координатори .

## ҚИРҚ ЙИЛЛИК ҲАЙДОВЧИ ЖАРИМА БИЛАН ЖАЗОГА ТОРТИЛДИ

Кўча турли тасодифларга тўла. Бундай тасодифларни кўп ҳолларда ўзимиз содир этамиз. "М39 Термиз-Тошкент" автомобил йўлида юз берди.

Автомобиль йўлининг Дўстлик тумани Манас маҳалласи ҳудудидан ўтувчи 942-км.да Салим Муродов (ўзгартирилган) йўл транспорт ҳодисасини келтириб чиқарди. У Самарқанд-Тошкент йўналиши бўйича уловини бошқариб бораётиб, "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 53-бандида "Ҳайдовчи ҳаракатлини бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак" деб белгиланган ҳамда 56-бандида "Ҳайдовчи айланма ҳаракатлини ташкил қилинган чорраҳаларга кириш учун бурилишдан бошқа барча ҳолларда ўннга, чапга бурилиш ёки қайрилиб олиш-

дан олдин шу йўналишда ҳаракатлини мўлжалланган қатнов қисмининг энг четки ҳолатини эгаллаши шарт" деб белгиланган талабларини бузди. Натижада йўлнинг ўзига нисбатан қарама-қарши бўлган "Тошкент-Самарқанд" йўналишига қайрилиб ўтиб олиш учун аввалига йўлнинг чап томон четки 1-бўлагини эгаллаши лозим бўлсада, йўлнинг ўнг томон четки 3-бўлагидан чапга қайрилиб, ўзи билан бир йўналиш бўйича ортидан ҳаракатлини келаётган фуқаронинг бошқарувидаги "Нексия-2" русумли машина билан тўқнашув содир этган.

Йўл транспорт ҳодисаси туфайли иккала машинадаги йўловчилар турли даражада жароҳатлар ошиди.

Судланувчи судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, автомашинасини 60-70 км/соат тезликда бошқариб бораётганида, йўлнинг қарама-қарши томонига бурилиш белгиси кўринганлигини, шунда йўловчилардан бири шу ердан бурилишлари кераклигини айтганидан сўнг у шошиб қолганли-

гини ва орқасида машина бор-йўқлигига эътибор бермасдан йўлнинг ўнг томон 3-бўлагидан автомашина рулини чап томонга буриб қайрилиб олмоқчи бўлганлигини, шу пайт у билан бир йўналишда ортидан йўлнинг биринчи бўлагидан ҳаракатлини келаётган автомашина унинг бошқарувидаги автомашинасини ён томонидан келиб урилганлигини айтиб, жабрланувчилардан кечирим сўрашини баён қилиб, қонуний энгиллик беришни сўради.

Суд ҳар иккала томоннинг фикрларини тинглаб, судланувчига амалдаги қонунларимиздаги белгиланган асосда жазо тайинлади.

Мақолани ўқиб, ҳаммаси тақдирдан, дейдиганлар орамиздан топилади. Албата шундай. Яна шуни унутмаслик керакки, жуда кўп ҳолларда инсон тақдирини ўз қўли билан яратади. Юқоридаги ҳолат бунга мисол бўла олади. Белгиланган тартиб-қоида эса унга риоя этишни талаб қилади.

**Э.ИСЛОМОВ,**  
туман прокурори  
ўринбосари.

## Хотин-қизлар муаммолари судлар томонидан сайёр қабулда кўриб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг "Аёллар дафтари"ни шакллантириш ишларини янада жадаллаштириш ва аёллар билан ишлаш тизими самардорлигини ошириш бўйича берган топшириқларига асосан, "Аёллар дафтари"ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Жиззах вилоят суди томонидан тадбирлар режаси тасдиқланган эди.

Мазкур тадбирлар режасига мувофиқ 2021 йилнинг 23 сентябрь куни Дўстлик туман Болалар мусиқа ва санъат мактабида сайёр қабул ташкил этилди.

Сайёр қабулда Фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг судьяси О.Ибо-

дуллаев, Дўстлик туманлараро иқтисодий судининг судьяси О.Эргашев, Жиноят ишлари бўйича Дўстлик тумани судининг раиси Л. Мамаражабов, туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи М.Қудратова ва бошқа масъул идора ходимлари иштирок этишди.

Оиламизга тегишли бинонинг кадастр ҳужжатини расмийлаштириш бўйича муаммомиз бор эди. Бўлиб ўтган сайёр қабулда судьялар менинг фикримни тинглаб, мурожаатимни ижобий ҳал этишга катта ёрдам беришди. Тез орада белгиланган тўловларни амалга ошириб, кадастр ҳужжатларини қўлимизга оладиган бўлдик,-деди чинободлик Зилола Рустамова.

Шу куни туман ҳудудида истиқомат қилувчи "Аёллар дафтари"га киритилган ҳамда ҳуқуқий ёрдамга муҳтож хотин-қизларнинг муаммолари атрофлича ўрганилиб, ўз жойида ҳал қилиш чоралари кўрилди. Кўплаб аёлларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

**Диёр ХОЛИҚОВ,**  
Жиноят ишлари бўйича Дўстлик тумани судининг девонхона мудир.

## ОИТС - АСР МУАММОСИ

ОИВ инфекцияси XXI асрнинг энг муҳим муаммоларидан ҳисобланиб, ушбу касаллик бугун кўплаб давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир қилмоқда. Шуниси маълумки, ОИТС муаммоси нафақат тиббиёт соҳасининг, балки бошқа соҳаларнинг ҳам ривожланишига тўсқинлик қилади. Бугунги кунда дунё бўйича 35 миллиондан ортиқ киши ОИВ инфекциясига чалинган бўлса, ҳар йили 3 миллионга яқин киши уларнинг сафига қўшилади.

ОИВ инфекцияси фақатгина инсонларга хос касаллик бўлиб, одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган, клиник белгиларсиз вирус ташиб юривчиликдан иммунитетнинг оғир зарарланишига олиб борадиган узоқ давом этувчи сурункали юқумли касалликдир. Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) - одамнинг иммунитет танқисли-

ги вируси одамнинг иммунитетни шикастлаши натижасида оппортунистик инфекциялар, хавфли ўсмалар ривожланиб асб тизимини издан чиқарувчи ОИВ инфекциясининг сўнгги (терминал) босқичидир.

ОИВ қон, эркаклар ва аёллар жинсий аъзолар суюқлиги, она сутиди юқори концентрацияда учрайди. Қолган биологик субстратларда ОИВ юқиши учун етарли бўлмаган концентрацияда бўлади.

Ҳозирги вақтда ОИВ инфекциясини учта йўл билан юқиши тасдиқланган.

ОИВ инфекцияси билан зарарланган кишиларда кўринишидан касаллик сезилмайди, белгилари намоён бўлмайди. Касалликнинг яширин даври 3-6 ойдан 10 йил ва ундан ҳам кўпроқ давом этиши мумкин.

ОИВ инфекциясининг дастлабки белгилари тана ҳароратининг узоқ ва сабабсиз кўтарилиши, лимфа тугунларининг

катталаниши, тез-тез шамоллаш, тери ва шиллик қаватларда тошмалар тошиши, баъзан жигар ва талокнинг катталаниши, сабабсиз ич кетиши билан намоён бўлади.

ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахсларни умрини узайтириш, яшаш сифатини яхшилаш, меҳнат қобилиятини тиклаш мақсадида антиретровирус препаратлари тавсия этилади. Шунингдек тутиш керакки, ОИТС оилага ёки шахсга қўйилган тамға эмас. Чунки бугунги кунда ҳеч ким бу касалликни юқтириб олмасликдан юз фоиз кафолатланмаган. Демак, бу дард мени четлаб ўтади, деган фикрдан йироқ бўлишимиз керак. Албатта, соғлом турмуш тарзига риоя этиб, доимо сергак бўлишимиз лозим.

**А.УСМОНОВ,**  
вилоят ОИТСга қарши кураш маркази бош врачнинг ўринбосари.  
**Н.АЛМАТОВ,**  
туман тиббиёт бирлашмаси инфекционисти.



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳити яхшиланмоқда.

## КИЧИК БИЗНЕСГА КЎМАК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

Жумладан, корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, Дўстлик туманида 2021 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 2 042 тани ташкил қилиб, шундан 1 431 таси ёки 70,1 фоиз фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиги 1 182 та (57,9 фоиз), савдо 264 та (12,9 %), саноат 173 та (8,5 %) ҳамда яшаш ва овқатланиш 77 та (3,8 %) соҳаларига тўғри келади.

2021 йил январь-июнь ойларида жами 123 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 99 та). Ҳисобот даврида 63 та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган.

2021 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтганлар сони 820 тани ташкил этиб, шундан 769 таси фаолият юритмоқда. Шунингдек, 2021 йил январь-июнь ойларида янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони 99 тани ташкил этади. Ўз навбатида фаолиятини тугатган кичик бизнес субъектлари сони 49 тани (жамига нисбатан 6,0 фоиз) ташкил этмоқда.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми савдо – 264 та (32,2 %), саноат – 166 та (20,2 %), қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги – 144 та (17,6 %) ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 77 та (9,4 %) соҳаларига тўғри келади.

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, Жиззах вилоятида 2021 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони 229 тани ташкил қилиб, Дўстлик туманида рўйхатдан ўтган корхоналар сони 7 тани ташкил этади, шундан фаолият кўрсатаётган 7 та, янги ташкил этилгани 2 та бўлиб, тугатилгани йўқ.

2021 йилнинг 1 июль ҳолатига Дўстлик туманида жами 102 та оилавий корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 29 тага кўпайганлиги кузатирилган, фаолият кўрсатаётганлари эса 99 тани ташкил этади.

**Саноат ишлаб чиқарилишида тумanning ҳиссаси.**

Дастлабки маълумотларга асосан жорий йилнинг январ-июн ойларида Дўстлик туманида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 378,8 млрд. сўмлик саноат маҳсу-



лотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси 101,0 фоизни ташкил этди. Жиззах вилоятининг жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишида 10,8 фоиз ташкил этди. Туманда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми аҳоли жон бошига 5670,6 минг. сўмга етказилганлигини кузатишимиз мумкин.

Ҳисобот йилида 97,6 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2020 йил январ-июнга нисбатан 107,5 фоизни ташкил этди. Жумладан, 56,2 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб умумий ҳажмга нисбатан 93,1 фоизни ташкил қилиб, 41,4 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2020 йил январ-июнга нисбатан мос равишда 136,2 фоиз ташкил қилган). Жиззах вилоятининг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқарилишида 6,1 фоиз ташкил этди. Туманда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари аҳоли жон бошига 1460,4 минг. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 105,8 фоизга етказилганлигини кузатишимиз мумкин.

2021 йилнинг январ-июн ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 180,6 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 116,4 фоизни ташкил қилди.

2021 йилнинг январ-июн ойларида 43,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2020 йилнинг январ-июнига нисбатан 103,5 фоизни ташкил этди.

**Туманда хизматлар соҳасининг ривожини.**

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган бозор илоҳотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга

катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради. Натижада, 2021 йил январ-июн ойларида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми

106,5 млрд. сўмни ташкил этди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 117,6 фоизни ташкил этди.

**Дўстлик туманида жами хизматларнинг ўсиш суръатларининг динамикаси фоизда**

**Аҳолини рўйхатга олиш жараёни.**

Тайёргарлик жараёнидаги энг муҳим масала аҳоли ўртасида рўйхатга олишда фаол иштирок этиш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш ҳисобланади. —Шу мақсадда Давлат статистика кўмитаси томонидан тадбирнинг шиори ва логотипи ишлаб чиқилиб, аҳолини рўйхатга олишнинг расмий веб-сайти (аҳоли.стат.уз) яратилди. Бу борада рўйхатга олувчиларни танлаш ва ўқитиш масаласи ҳам ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга. Чунки маълумотларнинг тўғрилиги бевосита уларнинг малака ва амалий кўникмаларига боғлиқ. Шу боис, жараёнга жалб этиладиган ходимлар Давлат статистика кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан режа-жадвал асосида махсус ўқитилади. Улар учун услубий қўлланма ва видеодарсликлар ишлаб чиқилиб, зарур ҳолларда, қўшимча маслаҳатлар берилади.

Аҳолини рўйхатга олиш жараёнини халқаро талабларга мос ва сифатли ўтказишда картографик материалларнинг аниқлиги ҳам муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда аҳолини рўйхатга олиш учун зарур бўлган миқдорда картографик материаллар (шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг схематик режалари ва хариталари) билан таъминлаш вазифаси юклатилди. Аҳоли пунктлари ва кўчаларнинг ном белгиларини ўрнатиш, хонадон ва уйларни тўлиқ рақамлаш ишларини якунига етказиш вазифаси қўйилди. Миллий гвардия ва ички ишлар органларига эса аҳолини рўйхатга олиш ишларига жалб этиладиган ходимлар хавфсизлигини таъминлаш топширилди.

**Анвар МАМИРОВ,**  
туман Статистика бўлими бошлиғи.

## ТАБИЙ ВА СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗДАН ФЙДАЛАНИШДА ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ !!!

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ табиий газни етказиб бериш ва истеъмол қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги қарори билан "Табиий газдан фойдаланиш қоидалари" тасдиқланган.

Ўтиб бораётган 2021 йилда "Дўстликтумангаз" газ таъминоти бўлими томонидан "Табиий газдан фойдаланиш қоидалари"ни аҳоли ўртасида кенг тарғибот ва ташвиқот қилиш мақсадида маҳаллий ахборот воситалари орқали бир неча маротаба чиқишлар қилинган бўлиб, "Газ ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилинган" мавзусида аҳолига 4780 дан ортиқ "Эслатмалар" тарқатилган.

Шунга қарамайдан, жойларга чиқиб тушунтириш ишлари олиб бориш жараёнида аҳоли томонидан газдан фойдаланишда газдан фойдаланиш қоидалари талабларини бузилишларига йўл қўйилаётганлиги маълум бўлди.

Биз учун катта қулайлик ва мўжиза бўлган газдан фойдаланишда эътибор ва ҳушёрлик талаб этилади. Лекин айрим жойларда истеъмолчилар томонидан ҳар хил мосламалар, газ сўргич ёрдамида табиий газдан фойдаланиш, ўзбошимчалик билан газ тармоқларига уланиш, резина шланглар улаш ҳолатлари учрамоқда.

Содир бўлаётган ёнғин ва чақнашлар, ис газидан заҳарланишларнинг сабаблари ўрганилиб чиқилганда айрим фуқаро ва уй эгалари табиий газдан ўзбошимчалик билан фойдаланганликлари, газ сўргичдан ва газ ускуналарини бошқа жойга кўчириб резина шланглар орқали фойдаланганликлари, иситиш ускуналарининг дудбуронлари текширилмаганлиги маълум бўлмоқда.

Газ сўргич мосламаси ўрнатилганда газ қувуридаги босимнинг гидравликасини бузилишига олиб келиши, резина шланглардан газ сизиб чиқиши ҳамда электр таъминоти тўхтаганда бундай мосламанинг ишламаслиги ва электр таъминоти берилган пайтда хонада тўпланган газ ва аралашманинг чақнаши, газ тақсимлаш қурилмаларига газ сўргич мосламаси ўрнатилганда бутун маҳалларнинг истеъмолчилари жабр кўришига олиб келади.

Айрим ҳолатларда, иситиш ускуналарининг дудбуронларини ўз вақтида текширилмаганлиги бахтсиз ҳодисаларнинг содир бўлиши сабаб бўлмоқда. Шу сабабли газ истеъмолчилари томонидан куз-қиш мавсумидан олдин газ жиҳозларининг созлигига ва дудбуронларнинг тозаланганлигига алоҳида эътибор беришлари лозим бўлади. Газ жиҳозлари ўрнатилган ошхоналарда, шунингдек, хонада шамоллатиш дарчаси (форточка) бўлиши шарт.

Умуман бахтсиз ҳодисани келтириб чиқарган ис газини

дай ҳосил бўлади ва ис газини тўғрисида нималарни биламиз? Дудбурони носоз газ жиҳозларидан фойдаланиш қандай нохуш ҳолатларга олиб келади?

Ис газини хонадонларимизда фойдаланиладиган табиий ва суюлтирилган газнинг тўлиқ ёнмаслиги, унинг чала ёнишидан ҳосил бўладиган газдир. Ис газини инсон организмнинг нафас йўллари ва нафас аъзоларига кучли таъсир қилади. Ис газини нафас йўллари орқали организмни, хусусан марказий асаб тизимини зарарлайди. Ис газини организмга тушганда у қон таркибидagi гемоглабин ва кислород ташувчи эритроцитларни ўзаро боғлаб, кислородни тана бўйлаб ҳаракатланишини чеклайди. Натижада инсон ҳушини йўқотади.

Ис газидан енгил ва ўрта заҳарланганда бош қаттиқ оғрийд, айланади, қусиш, ҳушдан кетиш ҳамда нафас олиш секинлашади, қувватсизлик-қўл оёқлар бўшашиб қолади.

Оғир заҳарланганда эса-қулоқ битиб қолгандай бўлади, фикрлаш қийинлашади, эс-хуш йўқолиши, баъзи вақтда кучли ҳаяжонланган эса турли тартибсиз ҳаракатлар қилиниши мумкин ва ниҳоят ҳушдан кетиш ҳолатлари кузатилади. Бундай ҳолатларда зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатилмаса, баъзан ўлимга ҳам олиб келади.

Ҳозирги кунда бозорларда, савдо дўконларида сотилаётган газда ишлайдиган ҳар хил турдаги газ ускуналарини харид қилишда давлат стандартлари талабларига жавоб бериши ва махсус сертификатга эга эканлигига эътибор беринг.

Сертификатланмаган газ жиҳозлари ўрнатилиши оқибатда инсонларнинг ис газидан заҳарланиб, вафот этишларига-ча сабаб бўлмоқда.

Ис газини хонадонларимизда тўпланиб қолишини олдини олиш учун аввалам бор иситиш газ жиҳозларининг дудбуронларини мутахассислар томонидан хавфсизлик қоидалари талаблари асосида монтаж қилиниши, куз-қиш мавсуми олдиндан ишламай турган иситиш приборларини ишга туширишдан олдин дудбуронларини мутахассис кўригидан ўтказиш, мутахассис томонидан яроқсиз деб топилган иситиш приборларидан фойдаланмаслик, овқат пишириш учун мўлжалланган газ плиталаридан уйни иситиш учун фойдаланмаслик ва ишлаб турган газ жиҳозларини қаровсиз қолдирмаслик зарур.

Газ жиҳозларини ёқишдан олдин албатта дудбуроннинг тортиш кучи мавжудлигини текшириб кўринг. Махсус сертификатга эга бўлмаган ва қўлбола тайёрланган газ жиҳозларидан фойдаланманг.

**К.УСМОНҚУЛОВ,**  
"Дўстликтумангаз" газ таъминоти бўлими бошлиғи.  
**С.МАМАЮСУПОВ,**  
бўлимнинг Аҳоли хонадонлари ва улгуржи ташкилотлари маиший газ ускуналаридан фойдаланиш ва таъмирлаш хизмати бошлиғи



## KUTUBXONANING KUZ TUHFASI

Hamma zamonlarda adabiyot va adib millat taraqqiyotining ustuni hisoblanadi. Davr yozuvchilarni o'quvchilarga tanitish, asarlarini yetkazib berish nashryotlarning ishi. Kitobni saqlash va kitobxonaga yetkazib uni mutolaa qilishga sharoit yaratish kutubxona va kutubxonachilarning ishi. Shunday ekan biz ham sizga o'qib chiqishingiz uchun fondimizdagi quyidagi kitoblarni tavsiya qilamiz.

-Abdulla Qodiriy qalamiga mansub "O'tgan kunlar" romani

**Bugungi kun Otabeklari, Kumushlari bo'ling. Sharqning nodir asrlaridan hisoblanmish mazkur asrda muhabbat o'zgacha takrolanmas badiiy talqin qilinadi. Shuningdek vatanparvarlik, chaqimchilik, andisha, muomola, xotinbozlik va behayolik singari harakterlar ham qalamga olinganligi bilan ham e'tiborlidir.**

- Rishod Nuri Guntekin qalamiga mansub "Xazonrezgi" romanlar.

"Hayotda eng yaxshi saboq beradigan maktab kambag'allikdir".

- Mirkarim Osim qalamiga mansub "Ajodlarimiz fojeasi" tarixiy roman.

**Ushbu kitob sizni tarix bilan yuzlashtiradi. Sizga "Singan senator", "Jayxun ustida bulutlar", "Iskandar va Spitamen", "Temur Malik", "Nur va Zulmat", "Mohlaroyim va Xonposhsha" kabi tarixiy qahramonlarimizning fojeasi haqida ma'lumot beradi.**

- Ronda Bern qalamiga mansub "Hayotning eng buyuk siri" tarixiy bibliografik ocherki.

**Hayotda o'z yo'lini izlaganlar va farovonlikka intilganlar uchun. Siz koinotdagi engqudratli magnitsiz. Siz dunyodagi jamiki narsalardan qudratliroq bo'lgan TORTISHISH kuchiga egasiz. Va bu tortishish kuchi sizning fikrlaringiz orqali ishga tushadi.**

- O'tkir Hoshimov qalamiga mansub "Bahor qaytmaydi" qissasi

**Ushbu qissa 1969 yilda yozilgan. Qissada yozuvchi iste'dodli, biroqning qadriga yetmagan, ulug' maqsadlardan mahrum hudbin yigitning tanazzul**

**tarixini, ruhiy ma'naviy inqirozini san'atkorona ochib bergan. Oradan shuncha yillar o'tgan bo'lsa ham shunga o'xshash voqealar bugungi kunda ham uchraydi. Hayotimizdagi ushbu qissa qahramonlari kabilar uchun ushbu asar ko'zgu, hayotiy saboq bo'lishi shakshubhasizdir.**

-Tohir Malik qalamiga mansub "Ko'ngil nimadan qorayadi" odamiylik mulki ahloq-odobga doir suhbatlar.

lymon quvvati oshsa, oqillik ham ziyodlashadi. Agar bandaning iymoni to'la komil bo'lsa, qalb ham to'la oqaradi. NIFOQ qalbdagi qora nuqta bo'lib ko'rinadi. Nifoq ko'paygani sari qoralik ziyodlashadi. Qachonki nifoq to'la bo'lsa, qalb ham to'la qorayadi.

- Aleksandr Dyuma qalamiga mansub "If qal'asi mahbusi". "Graf Monte Kristo" roman.

**Jazo ham mukofot ham Allohning irodasi bilan inson tirikligidayoq uni benasib qoldirmaydi. Asar qahramoni Graf ta'kidlaganidek "Kutmoq va umid qilmoq kerak".**

- Ahmad Lutfiy Qozonchi qalamiga mansub "O'gay ona". "So'ngi to'fon" roman.

Turk adabiyotining hayotiy ikki romani. "Ona tuqqan bolasiga jabr ko'rsatishi tabiiy, ammo o'gay bolasiga jabr ko'rsatish johillikdir."

Insoniyat uchun xolis va samimiy xizmat qilayotgan buyuk inson!..Insoniylik qadrini moddiy boyliklardan ustun qo'rgan... Vijdon, qanoat va peshona teri bilan yashashni hohlagan... haq va adolat tufayli xalovat topgan sharaflil inson!.. Bu kitob SEN uchun yozilgan!..

- Ulug'bek Hamdam qalamiga mansub "Ota" kichik roman.

**Romanda o'zbek o'talarining chinakkam timsoli aks etgan. Bugungi kungacha milliy o'zbek adabiyotimizda biror asarda ota obrazi alohida namoyon bo'lmagan. Ko'plab kitobxonlar kutgan kitob!**

Munira RAHIMOVA,  
Axborot bibliografiya xizmati rahbari.

## СОЛИҚЧИ-ТАДБИРКОРГА КЎМАКЧИ

**Бу тамойил бугунги кунда мамлакатимиз бўйлаб тарқалди ва соҳа вакиллари унга амал қилишмоқда.**

Жумладан, Дўстлик туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам бу ибора меҳнат фаолиятида широк айланиб улгурди.

Хусусан, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг дастлабки бугалтерия ва солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда солиқ идораларига тақдим этишдаги тушунмовчиликлар ва электрон кўринишдаги ўзгаришларни тушунтириш, ўргатиш, маслаҳатлар беришда махсус тизим яратилиб, ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликни яқиндан йўлга қўйган ҳолда солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида давлат бюджетига тўланишида сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Жорий йилнинг август-сентябрь ойлари давомида тумандан янгидан ташкил этилган 37 та ва айрим сабабларга кўра фаолият юритмай келаётган 23 та тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйишда амалий ёрдам бериш учун манзилларига борилди.

Уларнинг дастлабки бугалтерия ҳисобини юритиш ва фаолиятини давом эттиришда зарур бўладиган солиқ органларига алоқадор, шунингдек, бошқа идоралар билан боғлиқ масалаларида тегишли кўмак ҳамда тушунчалар берилди.

Элёр ҲАКИМОВ,

туман ДСИ "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш" шўъбаси бош инспектори

## Мутахассис маслаҳати

## КОМСТОК ҚУРТИ

Комсток қурти сўрувчи ҳашаротлар оиласига мансуб бўлиб, хавфли ички карантин ҳашароти саналади. Уни деярли мевали ва мевасиз дарахтсимон ўсимликлар ҳамда ўтсимон ўсимликларда учратиш мумкин. Мевали дарахтлардан анор, олма, нок, шафтоли, шунингдек, тутларни қаттиқ зарарлайди. Қишга бу меваларни сақловчилар омборхоналарни доимий текшириб, назорат қилиб туришлари даркор. Мева ичига кириб олган қуртлар уни еб, чиритади. Оқибатда мевалар яроқсиз ҳолга келиб қолади.

Биологик жиҳатдан олиб қараганда кўп уруғли бўлгани боис унга қарши курашиш жуда қийин кечади. Бу қурт Ўзбекистонга бундан 75 йил олдин кириб келиб, кенг тарқалган. Зараркунанда асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва кўчатлар орқали кенг тарқалади. Ўзбекистонда бу қуртлар бир йилда уч марта насл беради. Бир авлоднинг ривожланиши об-ҳаво ҳароратига қараб 42-65 кун давом этади. Битта уруғчи қурт 250 тадан 600 тагача тухум қўяди.

Комсток қуртининг зараридан новдалар қинғир-қишиқ бўлиб, барглари сарғаяди ва қуриб қолади, дарахт танаси, илдизлари ва шохларида шиш ва ёриқлар ҳосил бўлади ва дарахтини умуман қувватдан кетказади. Комсток қурти тарқалган дарахт ва ўсимликларга циперфос,



дурсбан, талстар, бензофосфат, моспилан, конфидор, циперметрин препаратлари билан ишлов берилди. Комсток қурти карантин остига олинган ҳудудларда янги кўчатзорлар, тутзорлар, боғлар, мевазорлар, тоқзорлар, анорзорлар карантин давлат хизмати руҳсати билан барпо этилади.

Кураш чораларидан энг афзали биологик усуллар. Комсток қуртининг кушандаси бўлган псевдафикусни кўпайтириб, зарарланган ҳудудларга тарқатиш лозим. Агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш, бегона ўтлар, кўзда хазонларни ва қуриган шох-шаббаларни йиғиштириб ёқиб ташлаш; экиладиган янги кўчатларни махсус хоналарда дезинфекция қилишни талаб этади.

Музаффар ХОЛМУРОДОВ,  
вилоят Давлат карантин инспекцияси туманлараро инспектори.

## ЧУМОЛИ

Бир ўрмонга ўт кетиб ёнғин бўлибди. Жониворларнинг бир қисми кучлари етган нарса билан сув ташиб, ўтти ўчирмоқчи бўлишибди. Иккинчи қисми эса бундан ҳеч нарса чиқмайди деб, четроққа чиқиб томоша қилиб турибди. Бир чумоли ўтти ўчириш учун ҳовучида сув олиб кетаётган экан. Буни кўрган қарға унинг устидан кулиб дебди:

"Мана шу сувинг билан оловни ўчираман, деб ўйлаяпсанми?" Чумоли унга жавоб берибди: "Биламан, бу сув билан ўтти ўчириб бўлмайди. Лекин мен бу ҳаракатим билан ким томонда турганимни биламан".

Билингни, тўқилган матода ҳар бир ипнинг ўз ўрни бор. Матонинг қайси еридан ип чириган бўлса, мато шу ердан бошлаб йиртилади. Ҳаёт занжирида ҳам худди шундай: ҳар бир одамнинг ўз ўрни ва вазифаси бор. Мухими – занжирнинг узилишига сен сабабчи бўлиб қолмаслигингдир.

Ижтимоий тармоқлардан олинди

## ЭЪЛОН

## ЧАҚИРИЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Дўстлик тумани Мудофаа ишлари бўлимида 2021-2022 йил учун муддатла ҳарбий хизматга (бир йиллик) ва сафарбарлик қақирув резерви хизматига саралаш ва танлаш ишлари бошланиши муносабати билан 1995-2003 йиллари туғилган қақирилувчилар ҳарбий хизматга саралаш бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 апрелдаги 291-сонли "Қақирилувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги ҳамда вилоят ҳокимининг 2021 йил 17 июлдаги 69-3-0- Q/21-сонли ва туман ҳокимининг 2021 йил 10 августдаги 35-3-47-Q/21-сонли қарорлари асосида ташкил этилган танлов Кенгаши аъзолари томонидан бир йиллик муддатли ҳарбий хизмат учун 2021 йил 27 август, 17 сентябрь, 8-15-22-29 октябрь, 11-17-24-26 ноябрь, 2-9-16 декабрь, 2022 йил 14 январь ва 10 февраль кунлари соат 07-00 дан 09-00 гача умум-жисмоний тайёргарлик нормативларини олиш ва соат 11-00 дан 13-00 га қадар якка тартибдаги суҳбатлар ўтказилади.

Муддатли ҳарбий хизматга бориш истагини билдирганлар ва қақирилувчилар синовларга фуқаролик паспорти ва спорт кийимлари билан келишлари шарт.

Мурожаат учун телефон: 72 335 49 86

Дўстлик тумани Мудофаа ишлари бўлими маъмурияти.

DILLARDA IYMONGA AYLAN - EY, VATANI!

**DO'STLIK HAYOTI**

DO'STLIK TUMANI HOKIMLIGINING LITMOYI-SITIDYI GAZETASI

МАНЗИЛ: Дўстлик шаҳри,  
Дўстлик кўчаси 17-уй.  
Телефон: (0372) 335-44-93.

**БОШ МУҲАРРИР:**  
Бердиёр ҚОРАЕВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Амиркул Холматов, Махмуд  
Яхшиликков, Муҳаммад  
Исмоилов

Навбатчи Худойберди  
Мирҳосилов

Газета Жиззах вилоят Матбуот ва Аxbорот бошқармаси томонидан 2006 йил 25 декабрда 06-006 рақами билан рўйхатга олинган.

Ҳажми - 1 босма тобоқ. Қоғоз бичими А-3. Баҳоси келишилган нархда.

Адади 656 та. Буюртма № 167

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета Pentium-4 компютерида териб саҳифаланди ва офсет усулида чоп этилди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Rastr Plyus Print» МЧЖ босмаҳонаси масъул.

Босмаҳона манзили:  
Жиззах ш., Сайилжойи кўчаси 4-уй.  
Телефон: (0-372) 226-40-41.